


**Ўрта мактабни битириш оқшоми — ҳар бир инсон ҳаётида доимо ширин энтикиш билан эсланадиган унутилмас дамлардан ҳисобланади. Ҳа, сен улкан ҳаёт остонасида турибсан. Бугун эса байрам, атрофингда жондан азиз, қадрдон синфдошлар, меҳрибон устозлар...**

*Битирувчилар*

# ЭЙ СИНФДОШ, УНУТМА...

Ўтган ҳафтада мамлакатимиздаги барча мактабларнинг битирувчилари ўзларининг унутилмас битирув оқшомларини нишонладилар. Сергели туманидаги 104-мактабнинг 80 нафар битирувчилари устозлар ҳамроҳлигида туман гузарига тўпландилар. Тантанали кечани мактаб директори, халқ таълими аълочиси Абдунаби Орипов очди. Халқ демократик партияси туман кенгашининг биринчи котиби Ёқутхон Исҳоқова мактаб битирувчиларига ўзининг самимий тилакларини билдирди. Сўнгра қувноқ даврадаги шодиёналар бошланди. Ўн бир йил бир синфда ўқиб, эндиликда мустақил ҳаёт остонасида турган синфдошлар ҳаяжонининг чеки йўқ! Улар ҳатто нигоҳларидан бир-бирларини сўзсиз тушунадилар, мактаб даврида, эҳ-ҳе, қанча қизиқарли, унутилмас воқеалар бўлмади дейсиз! Ҳозир ушбу даврага файз киритиб ўтирган азиз устозлар — бошланғич синфда илк сабоқ берган Элмира Ҳайдарова, меҳрибон муаллимлар — Матлуба Саидхўжаева, Зумрад Саримсоқова, Султоной Режаметова, Зуҳра опа Раҳматовалардан барча миннатдор, ҳар бир шогирд самимий дил изҳорларини айтиш истагида бугун.

Бу йилги битирувчилардан тўрт нафари — Нилуфар Ҳакимова, Шуҳрат Нуралиев, Муножот Сатторова ва Сарвар Машариповлар санъат институтига йўлланма олишди. Синфдошларнинг орзу-ниятлари ҳам бир олам.

❑ **Анвар ОТАЖОНОВ, битирувчи:**

— Менинг орзуим — ҳуқуқшунос бўлиш. Бунинг учун мактаб давриданоқ тайёрлана бошлаганман. Мустақил юртимизда замонавий, юксак малакали ҳуқуқшуносларга эҳтиёж катта.

❑ **Дилшод САИДОВ:**

— Бизнес-маркетинг соҳасида ўқимоқчиман. Ҳозир бу соҳага эътибор катта. Кўпчилик ўқимасдан савдо қилиш мумкин деб ўйлайди. Лекин барибир ҳар бир соҳада ўқиш, маълумот олиш керак. Менинг энг яқин дўстим Ҳикмат техника университетида ўқимоқчи. Мана шундай улуғ кунда унинг ниятлари ушалишига омад тилайман.

❑ **ФАРҲОД:**

— Мен ўқиб, солиқ инспекциясида ишлайман. Чунки, эркин бозор иқтисодиётини пухта солиқ тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

❑ **УЛУҒБЕК:**

— Мен генерал бўламан!

— Яша Улуғбек, сенга омад тилаймиз. Жуда тўғри, генерал бўлишни орзу қилмаган аскар — ҳақиқий аскар эмас!

❑ **НАРГИЗА, ФЕРУЗА:**

— Орзуларимиз бир олам! Лекин қаерда бўлсак ҳам, синфдошлар, азиз устозларни доимо эслаб юрамиз. Яна беш йилдан сўнг худди шу ерда тўпланишга қарор қилдик.

❑ **Нодир ТЎЛАГАНОВ:**

— Устозларимиз доимо соғ-омон бўлишсин. Вақти келиб, фарзандларимиз ҳам улардан сабоқ олишса, деб орзу қиламиз. Синфдошларимизга доимо омад ёр бўлсин!

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, Чарос ҒИЁСОВА ёзиб олишди.*

*Ҳикматлар*

# ОДАМНИ ФАЗИЛАТ БЕЗАЙДИ

- *Дўст бахтига қувонинг, унда ҳиссангиз бор.*
- *Ёлғон сўз — заҳарли илон.*
- *Соғлом одам хиёнат қилмайди.*
- *Ерга меҳр қўйганни эл севади.*
- *Олтин бойлигинг бўлмаса ҳам, олтин сўзинг бўлсин.*
- *Ёлғончига мансаб ярашмас.*
- *Етимга бир эшик ёпиқ бўлса, иккинчи эшик очилади.*
- *Соғлом — сўзнинг гавҳари, Ахлоқ-одоб жавҳари*
- *Рост гап — ҳақиқат.*
- *Инсонни меҳнат, одобни яхши фазилат безайди.*

*Моҳира КАРИМОВА тайёрлаган.*

*Мулоҳаза*

# МАГНИТОФОНИНГИЗНИ ПАСТРОҚ ҚЎЙИНГ

**Бирга ишлаган ҳамкасбимиз тўсатдан оламдан ўтди. Раҳматли тўғри сўз, ҳақиқатпарвар инсон эди. Ҳамкасблардан ёрдамини аямас, кимга кўмаклашиш зарур бўлса доимо ҳозир эди.**

Шу инсонни тупроққа қўйдик. Диққатим ошиб, кўзимга дунё тор кўриниб кетди. Яхшига юрим йўқ деганлари шу бўлса керакда! Яқиндагина ўғилли бўлиб, қандай қувонган эди. Энди роҳатини ҳам кўрса бўлмасмиди?

Уйга келдим. Томоғимдан овқат ўтмади. Кўз олдимда у кишининг юриш-туриши, гапиришлари, кулишлари ўтаверди. Шу пайт, юқори қаватдан магнитофон овози эшитилди. Аввалига эътибор бермаган эдим. Кейин овозини баландлатишгач асабимга тегди. Бошқа пайт, руҳий ҳордиқ бериши мумкин бўлган қўшиқ миямни эговлаб, вужудимни қақшатарди.

Бўлмади. Шартта ўрнимдан турдиму юқорига кўтарилдим. Уларга нима деганимни ҳам билмайман.

Ҳар қалай бақирдим чоғи. Қўшиқ тинди. Бироз ўзимга келиб, йигитлардан узр сўрадим.

Бу воқеага анча бўлди. Яқинда ишхонада Сарваржон деган йигит ҳам шундай воқеани айтди.

Рўпарамиздаги «дом»да кимдир магнитофон қўйди. Кўчадагилар эшитсин, дегандек карнайини деразага қаратган. Ўғлимизни энди ухлатгандик. Бунинг устига бир кун олдин қариндошларимизникида тўй бўлиб, хизмат қилгандим. Ҳалиги қўшиқ шунақанги асабимга тегдики. Кийиниб бордим. «Учинчи қават»га кўтарилиб эшик қўнғироғини босдим. Остонада пайдо бўлган эркак:

— Ҳа; — деди.

Салом бердим.

— Нима, керак?

— Ҳеч нарса керак эмас. Магнитофонингизни пастлатиб қўйсангиз.

— Ўзимнинг уйимдаям магнитофон қўя олмайманми? Сен кимсан ўзи?

— Мен сизга ўхшаган бир инсонман. Марҳамат, карнайни уйга киритиб, деразангизни ёпиб қўйинг.

— Менга ўргатма! Муштлашаман десанг муштлашавераман.

Ҳалиги одам ўнг қўлини мушт қилиб, чап панжасига уриб жангга тайёрлигини билдирди.

Икки ўт орасида қолдим. Унга тенг келаман десам, ёқалашиш керак. Паст келсам, шу юрагинг бор экан, нега келдинг дейиши мумкин.

Барибир, иккинчи йўлни танладим.

— Узр. Муштлашишдан қочмайман. Лекин мен сиздан илтимос қилдим. Магнитофонингизнинг овозини пастлатиб қўйинг. Кейин гаплашаверамиз.

Қўшни эшикни қарсиллатиб ёпиб, уйига кириб кетди. Хиёл фурсатдан сўнг магнитофоннинг овози пастлади. Уйга қайтаётсам, тепадан чақирди.

— Ҳа.

— Бўладими ё янаям пастроқми?

— Бўлади.

Бу бизнинг ўзаро ярашувимиз эди.

Бу ерда мен ким ҳақу, ким ноҳақ эканлигини муҳокама қилиш ниятида эмасман. Ҳар қалай одамийликнинг ҳам ўз қоидалари бор. Бизга қанчалик хуш ёқиб, танамизни яйратган қўшиқ бошқаларнинг асабини бузиши мумкинлигини унутмайлик.

*Абдураҳмон АЛИБОЙ ўғли.*



*Собир Раҳимов туманида жойлашган болалар кутубхонасидан «Намуна», «Қаҳрамон», «Себзор», «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилувчи кичкинтойлар фойдаланишади. Ёзнинг таътил кунларида бу кутубхонадан ҳар хил китобларни олиб ўқиш мумкин. Кутубхона мудираси Шоира Тўлабхўжаева ўқувчиларга ўзлари ёқтирган китобларни танлаб олишда ёрдам бериш билан бирга, янги келтирилган китоблар билан уларни ҳам таништириб боради.*

*СУРАТЛАРДА: кутубхонада.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*

*Оқибат*

# ҚАЙТАР ДУНЁ

- 1 -

**Кўчамизда Раҳима хола деган оқ кўнгил, ширинсўз, пиру бадавлат онахон яшайдилар. Маҳалладаги барча ёшу қари бу онахонни жуда ҳурмат-иззат қилади. Кимнинг уйида тўй-ҳашам бўлса, Раҳима холадан маслаҳат сўраб келади. Баъзида муросалари келишмай қолган оилаларни хола панд-насиҳатлари, маслаҳатлари билан яраштириб қўядилар.**

**Онахон икки ўғил уйлантириб, уч қизларини турмушга узатганлар. Фарзандларининг ҳаммаси — уйли-жойли. Турмуш ўртоқлари вафотидан кейин эса тўнғич ўғиллари Баҳром билан бирга яшайдилар.**

**Дам олиш кунларининг бирида холани кўриб аҳволларини сўраб чиқай, деб уйларига бордим.**

Катта ҳовлининг бир чеккасига қўйилган каравотда Раҳима хола нимадир тикиб ўтирган эканлар. Мени кўриб суюниб, ўринларидан туриб, қучоқ очиб кўришдилар.

— Келинг, айланай, жуда зерикиб ўтирувдим.

Қўлимдаги иссиқ нонларни олгач, айланиб-ўргилиб дуо қила бошладилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб суҳбатлашиб ўтирдик.

— Малика опа кўринмайдилар, — деб сўрадим келинлари кўринмагач, холадан.

У киши саволимни кутиб турган эканлармй, бирдан кўнгилларини очиб қолдилар:

— Бугун неварамнинг туғилган куни эмиш, айланай. Икки-уч кундан бери эр-хотин бозорга чопишади, совға-салом олгани, ўзлари билан ўзлари овора. Мен билан ишлари ҳам йўқ. Эсларига келганда ярим коса овқатини кичик қизидан бериб юборади. Зўрға чой дамлаб, тушликка яқин олиб келиб, дўқ этиб столга қўйиб кетишади. Бу уйда мен борманми, йўқманми, ишлари ҳам йўқ. Улар учун мен йўқдекман, ўргилай. Яхшиям бошқа ўғил-қизларим бор. Тез-тез ҳолимдан хабар олиб туришади. Сизни олиб кетамиз деб қўйишмайди. Ўз уйим — ўлан тўшагим. Қариган чоғимда нима қиламан сарсон бўлиб. Худо инсоф берсин ҳаммасига. Эрталабдан бери туз тотганим йўқ, айланай.

- 2 -

Илгари ўзимни ўзим эплаб юрардим. Ётгулик қилмасин экан, қаричилик, қувватим йўқ. Юрсам бошим айланиб, кўзим тинади. Эрталаб Баҳром деразам тагидан ўтаётиб: «Ойи, бугун узатган неварангизнинг туғилган куни. Дўконга кетяпмиз. Йўлдан сомса буюрганмиз, шуларни олиб келамиз, — деб келиним билан шоша-пиша чиқиб кетишди. Ҳалигача дараклари йўқ, — дея Раҳима хола ички бир дард билан чуқур уҳ тортдилар.

Онахонга ачиниб, дарҳол чой дамлаб келдим. Бир пайт кўча эшик очилиб Баҳром ака катта гулли картон қути, Малика опа қўлларида тоғора билан кириб келишди. Биз билан совуққина саломлашиб, ўтиб кетишди. Кетишди-ю, тоғорадаги иссиқ сомсанинг ҳиди димоққа урилди. Хола ҳам сомсанинг ҳидини сезиб, бир менга, бир уларнинг ортидан маъюсгина термулиб қолдилар. Мен ҳам ноқулай аҳволга тушиб, кетмоқчи бўлиб тургандим, Раҳима хола мени қўйиб юборгилари келмай:

— Жон қизим, яна бироз ўтиринг, қаерга шошасиз? Сиз билан гаплашиб кўнглим анча ёзилди, — дедилар илтижо билан.

Мен бу оққўнгил, беозор онахоннинг юраги тўла дард, ғам-алам эканлигини шундагина сездим. Кўзларидаги ёшни кўриб, кўнглим бузилиб, ноилож ўтирдим. У кишини яхши гаплардан гапириб овутмоқчи, кўнгилларини кўтармоқчи бўляпману, лекин хаёлимдан ўтаётган фикр холанинг ҳам кўнглидан ўтаётганини англадим. Наҳотки, очнаҳор ўтирган онанинг кўнгли учун тоғорадаги сомсадан иккитагина олиб келмаса. Наҳотки, шу тоғора онадан азиз бўлса... «Эҳ онаизор, — дейман ўзимга-ўзим холанинг болаларча термулишларига дош беролмай. Онаси йўқлар она меҳрига зор бўлса, онаси борлар, онасининг қадрини билмаса!».

- 3 -

Энг хунук воқеа кейин рўй берди. Башанг кийиниб олган Баҳром ака бояги олиб келган картон қутини авайлаб кўтариб уйдан чиқди. Япон чинни сервизи ўйладим ичимда. Кетларидан Малика опа ҳам ясан-тусан қилиб, ўзига оро бериб, бир қўлида сомсали тоғора ва яна бирида катта сумка билан биз томон юриб келишди.

— Майли, биз кетдик, — деди Малика опа қошларини чимириб.

— Вой, Маликахон, неварамга қандай совғалар олдинглар, кўрсатмайсизларми, мен ҳам бир кўрай, — дедилар Раҳима хола қизиқиб.

— Э, тавба-эй, ҳозир шошиб турганимизда шуни кўришингиз шартми. Ўзингиз зўрға ўтирибсизу, ҳалиям шу ўсмоқчилаб текширишингиз қолмади-қолмади-да. Қудалар бизни кутиб қолишди. Кеч қолиб кетяпмиз, ахир, — тўнғиллади Баҳром ака онасига тик қараб. Ва илдам юриб, машиналарига ўтириб жўнаб кетишди.

Бу оғир, кўнгилсиз вазиятдан юрагим ларзага келди. Раҳима холага қарадиму чеҳраларидаги изтироб, норизоликни, кўзларидаги аламли ёшни кўриб ич-ичимдан эзилдим. Юрагимдан фарёдга ўхшаш қандайдир нидо отилиб чиққудек эди, холани юпатишга эса сўз томолмасдим.

... Қани оқибат, қани меҳр! Тун кечаларни бешигинг устида бедор ўтказган, ўзи емаса ҳам сенга едирган, касал бўлган чоғларингда йиғлаб ҳар ён югурган, тонггача кўз юммай меҳр билан бошинг силаб ўтириб чиққан шу азиз онаизорингни унутдингми, эй ўғил! Кексайган чоғида кўнглини олиш, белига мадор, кўзига қувват бўлиш ўрнига дилини вайрон, қалбини чил-парчин қилиб, қўпол сўзлар айтиб кўнглига озор бердинг-ку! — деб ҳайқиргим келди. Олиб кетаётган совғаларингни шу азиз волидангнинг ҳурмати учун очиб кўрсатиб, бир оғиз маслаҳатини олсанг бўлардику! Наҳотки, шу совғалар онангдан азиз бўлса! Шу муштипар онаизор кўнгли учун бўлса ҳам «Ойи, юринг биз билан, машинада уринтирмай олиб бораман», деб бир оғиз айтсанг бўларди-ку!

Холани ҳар қанча юпатмай, у киши қўлларидаги рўмолча билан кўзларини қайта-қайта артиб, елкалари силкиниб-силкиниб унсиз йиғлардилар...

*Дилором ИКРОМОВА.*



**● Усмон Эгамбердининг ёзган шеърларини ўқисангиз дилингизда ажиб бир туйғу, маъсумлик кечади. Унинг қалбга тўғридан-тўғри етиб борадиган равон мисраларида она-Ватанни қадрлаш, муҳаббат ва севгига вафодорлик, дўстликни улуғлаш сингари ажойиб инсоний фазилатлар улуғланади. «Оқшом» муштарийлари диққатига қуйида эълон қилинаётган ғазаллар ана шу фикримизга яна бир бор далил бўла олади.**

*Ғазалхонлик*

## ОНА ВАТАН ҚАДРИ

(Фузулийга назира)

*Она Ватан қадрин бир кафт тупроғига зор ўландан сўр.*
*Кўзи ёшли, дили пора, ташнаи диёр ўландан сўр.*

*Кўзи ёшлиларнинг дардин қайдан билсин Ватансиз гумроҳ,*
*Висоли Ватан они севинч ашки шашқатор ўландан сўр.*

*Мансаб деб миллатдан кечган мунофиқ кимсадан сўрма,*
*Қодирий, Чўлпон каби ёш умри ҳазон-хор ўландан сўр.*

*Ватан севгиси гар болдай ёқимли, танга даво бўлса,*
*Бу даво аччиқ заҳридан воқифи асрор ўландан сўр.*

*Ватан севмоқ лаззатидан бехабардир бандаи ғофил,*
*Бу лаззат завқини ғурур ила шавқи бор ўландан сўр.*

*Ватанпарвар аҳлин асли кимлигин, қалқон этиб кўксин,*
*Ватан сарҳадларида туну кун ҳушёр ўландан сўр.*

*Ҳазар қил соҳиби иймон, Ватан ишқи сохта каслардан,*
*Улар ҳолин умр шомида хору абгор ўландан сўр.*

*Фузулийдан олиб илҳом Ватан ишқини куйладим*
*Сабаби, Ватан меҳрига Усмондек хуммор ўландан сўр.*

## МАЙЛИГА ОШКОРА БЎЛСА...

*Майлига ошкора бўлса сиру асрорим менинг,*
*Учди ҳуш бошимдан тамом учрагач ёрим менинг.*

*Найларам ишқида бўлдим кунма-кун Мажнун сифат,*
*Аслида олган экан ул гўзал ихтиёрим менинг.*

*Воажаб, боқсам кўзгуга турарки қуруқ сувратим,*
*Васлин, деб бўлди адо сийрату — борим менинг.*

*Аҳволим ҳам бўлди ноҳун севгининг гирдобида,*
*Раҳм қилмас ҳолимга ул пари — руҳсорим менинг.*

*Ахир бердим тақдирга тан, шу экан деб қисматим,*
*Гангитиб бошим бу савдо бўлди озорим менинг.*

*Афв этинг гар келса малол, шайдо кўнглим розлари.*
*Усмон ҳам бечорадир борми, деб зорим менинг.*

## ЎША МЕН

*Кўнглингизга шубҳа солиб, имо қилган ўша — мен,*
*Муҳаббатнинг дардларига ошно қилган ўша — мен.*

*Тушингизда рашкдан ҳатто ғавғо қилган ўша — мен,*
*Ишқингизни китобини иншо қилган ўша — мен.*

*Севгингиз пинҳон тутиб олиб қочманг кўзингизни,*
*Кўча-кўйда қиё боқмай айтмайсиз сўзингизни,*

*Гар муҳаббатда Лайли деб билсангиз ўзингизни,*
*Ишқингизда Қайсликни даъво қилган ўша — мен.*

*Дардингизни ошкор қилди бир нигоҳингиз бутун.*
*Юракларни ром айлади, ечилди охир тугун,*
*Сизга қалбин ҳадя айлаб дейди Усмон ҳам бугун:*
*Саҳарлари ҳижрон ичра наво қилган ўша — мен.*

*Усмон ЭГАМБЕРДИ.*

*Учрашувлар*

# ЮКСАК БАРКАМОЛЛИКНИ КЎЗЛАБ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан шаҳримизда фаол хизмат қилаётган олима аёллар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда 50 дан зиёд турли соҳа вакиллари қатнашди. Учрашувдан асосий мақсад эса олдинги олималар уюшмасининг ишларини турли йўналишлар бўйича такомиллаштириш ҳамда уюшманинг янги низомини тузиш эди.**

— Маънавий баркамол инсонлардан соғлом фикрли, бокира авлодлар дунёга келади, — деди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Муборак Юнусхўжаева, — Халқимиз, айниқса ёш авлоднинг юксак ҳуқуқий тафаккурини, маънавий дунёсини шакллантиришда биз олималар нималар қилишимиз керак, деган фикрда ушбу учрашувни ўтказишга қарор қилдик.

Аввало олима аёлларимизни халқимизнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришга, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурроқ тушунтиришда ташвиқот ишларини олиб боришга жалб этдик. Бу эса ўз навбатида турли йўналишлар бўйича олиб бориладиган бўлди. Масалан, ёшлар билан ишлаш бўлими, иқтисодий бўлим, тиббиёт, маърифий ва бошқа бўлимлар бўйича ҳар бир мактаб, маҳалла ҳамда олий ўқув юртларида тартиб билан мутахассис олималаримиз учрашувлар олиб бориши кўзда тутилади. Шунингдек, бу ишларни йўлга қўйиш ҳамда уюшма ишини умумлаштириш мақсадида етти кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ўрни келганда шуни ҳам айтишимиз керакки, ҳозирги ёшларимизнинг билимга чанқоқлиги анча сусайиб кетган, уларни ўқишга қайтариш билан бирга фарзандларимиз учун керакли дарсликлар ҳамда тегишли шарт-шароитлар яратиб беришимиз даркор. Зеро, 1997 — Инсон манфаатлари йилида юртдошларимизнинг нафақат иқтисодий, балки маънавий манфаатларини ҳам кўзлаб иш юритмоғимиз зарур.

*Одил ХАЛИЛОВ.*

*Ажойиботлар*

## ОДАМ ЭМАС, АЖАЛНИНГ УРУҒИ

Швейцариянинг Граубунден шаҳрилик Мэри Маллон (асли номи Мария Анна Каддуф, 1855 йилда туғилган) 1868 йил 11 январь куни номаълум сабабларга кўра АҚШга кўчиб келди ва Нью-Йорк шаҳридаги ошхоналарнинг бирида ошпаз бўлиб ишлай бошлади. Бутун умри давомида у жами 53 бор шаҳар бўйлаб турли юқумли касалликлар тарқалишига сабабчи бўлди. Хусусан у тарқатган даҳшатли юқумли касаллик оқибатида шаҳарнинг Итока мавзесида 1903 йили 1400 нафар одам қаттиқ хасталанди, уч киши эса оламдан кўз юмди. Халқ томонидан «Ажалнинг уруғи» деган ном олмиш бу аёл 1915 йилдан то умрининг сўнгги дақиқаларига қадар Норт Базер оролидаги касалхонада сақланди. У 1938 йил 11 ноябрда зотилжам касаллигидан вафот этди.

## АЁЛИНГИЗНИНГ КЎНГЛИНИ ЎКСИТМАНГ

Днепропетровск вилоятидаги Могилев қишлоғилик Надежда Артёмовна Лебедина 1954 йили эри иккови ўртасида чиққан жанжалдан сўнг... йўқ, онасиникига эмас, қаттиқ уйқуга кетди ва шу бўйи роппа-роса 20 йилдан сўнг — 1974 йили уйғонди. Шифокорлар аёлни буткул соғлом деб топишди. Унинг бундай узоқ муддат уйқу ҳолатида бўлишига сабаб қилиб эса ўша жанжал оқибатида юзага келган асабий муҳитни кўрсатишди.

## «НАФСИМ ЎЛГУР БАЛОДИР...»

Руҳий хасталикнинг антиқа тури билан бетоб канадалик Х. хоним воқеаси жуда қизиқ. Унинг одати нимаики буюм учраса, дарров оғзига тиқиб ютиб бўлган. 42 ёшида аёл қорни тинимсиз санчиб оғришидан нолиган. 1927 йилнинг июнь ойида Онтарио шаҳрида Чок ва Фукар исмли жарроҳлар томонидан аёлнинг қорни ёриб кўрилган. Ошқозондан жами 2533 дона буюм, шу жумладан, 947 та тўғноғич чиқариб олинган.

Худди шунга ўхшаш воқеа 1985 йилнинг май ойида ҳам содир бўлди. Жанубий Африканинг Кейптдун шаҳридаги «Гост Шуур» касалхонасига оғир аҳволда келтирилган эркакнинг ошқозонидан 212 дона буюм топилди. Ушбу буюмлар орасида 53 та тиш ювадиган чўтка, 2 телескоп антеннаси, 3 та устара ва 150 дона бир марта фойдаланиладиган соқол олиш мосламаси бор эди.

АҚШда эса қуйидаги жуда аломат воқеа содир бўлган: 24 яшар руҳан хаста бир бемор аёл узунлиги 12,7 сантиметрли эшик лўкидонини ютиб юборган. Қизиғи шундаки, темир лўкидон аёлнинг ўн икки бармоқли ичагидан бемалол ўтиб, ошқозон ҳамда овқат ҳазм қилувчи бошқа ичаклардан ҳам йўл топиб ўтиб тушган ва у ўтирган чинни тувакни чил-чил қилган.

*Гўзал ХОЛИҚОВА тайёрлади.*

